



UDC: 330.16

## ЎЗБЕКИСТОНДА БАХТИЁРЛИК ВА ҲАЁТДАН ҚОНИҚИШ

Нурдинова Шоирахон Рашидхоновна,  
PhD, доцент в.б., Наманган давлат университети;  
e-mail: sh.nurdinova@gmail.com;  
ORCID: 0000-0002-2080-6031

**Аннотация.** Сўнгги йилларда иқтисодчиларнинг эътиборини тортган баҳтиёрлик тушунчаси ва ҳаётдан қониқишини аниқлаш микро доирада ишлаб чиқарувчиларни қизиқтиришса, макро доирада мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни таҳлил қилиши нуқтаи назаридан бошқарув ва ҳокимият органлари учун аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқотда Ўзбекистонда баҳт(иёрглик) иқтисодиёти ва баҳт омиллари тадқиқ қилинди. Мақолада тартибланган логит модели ёрдамида баҳт/ҳаётдан қониқишига таъсир қилувчи омиллар баҳоланди. Натижалар баҳт/ҳаётдан қониқишига соғлиқ ва даромаднинг ижобий ва ёшининг негатив таъсирини кўрсатди. Оила қуриши ва ҳаётдан қониқиши даражаси ўртасида эса ижобий боғлиқлик кузатилди.

**Калим сўзлар:** баҳт иқтисодиёти, баҳт(иёрглик), ҳаётдан қониқиши, тартибланган логит модели.

## СЧАСТЬЕ И УДОВЛЕТВОРЕННИЕ ЖИЗНИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Нурдинова Шоирахон Рашидхоновна,  
PhD, и.о. доцента  
Наманганского государственного университета

**Аннотация.** В последние годы концепция счастья привлекает внимание экономистов. Счастье/удовлетворение жизнью важно для производителей, чтобы проанализировать на микроуровне, насколько потребители удовлетворены товарами и услугами. Принимая во внимание уровень счастья, правительства могут анализировать социально-экономическую ситуацию в стране на макроуровне. В этой работе исследуются экономика счастья и факторы счастья в Узбекистане. Упорядоченная логит-модель используется для оценки факторов, влияющих на счастье/удовлетворенность жизнью. Результаты показывают, что здоровье и доход положительно влияют на счастье/удовлетворенность жизнью, тогда как возраст отрицательно влияет на счастье/удовлетворенность жизнью. Результаты исследования показывают, что существует положительная регрессия между браком и удовлетворенностью жизнью.

**Ключевые слова:** экономика счастья, счастье, удовлетворенность жизнью, упорядоченная логит-модель.

## HAPPINESS AND LIFE SATISFACTION IN UZBEKISTAN

Nurdinova Shoirakhon Rashidkhonovna,  
Namangan State University, Associate Professor

**Abstract.** The concept of happiness has attracted the attention of economists in recent years. Happiness/life satisfaction is essential for producers to analyze how consumers are satisfied



with their goods and services at the micro-level. Taken into account the level of happiness, governments might analyze the socio-economic situation in the country at the macro level. This study examines the economics of happiness and the factors of happiness in Uzbekistan. Ordered logit model is used to estimate factors influencing happiness/life satisfaction. The findings demonstrate that there is a positive effect of health and income on happiness/life satisfaction, whilst there is a negative effect of age on happiness/life satisfaction. The result reveals that there is a positive relationship between marriage and life satisfaction.

**Keywords:** Economics of Happiness, Happiness, Life Satisfaction, Ordered Logit Model.

## Кириш

Инсоният яралибдики, баҳтга интилиб яшайди. Баҳт антик Юнондан қадимги Хитой фалсафасигача барча географик ҳудудларни қамраб олган тушунчадир [1]. Фалсафий жиҳатдан Форобий таъбири билан айтганда, инсон мутлақ баҳтга фақат ақл-идрок орқали эришиши мумкин [2]. Аристотель баҳтни ижтимоий ва ноижтимоий жиҳатдан эзгу фаолият сифатида таърифласа, Платон адолат шакли сифатида ифода этади [3].

Иқтисодий адабиётда баҳт ҳаётдан қониқиши, мамнуният ва ижобий ҳисларнинг кўплиги билан изоҳланади [4, 5]. Баҳт билан боғлиқ тадқиқотлар, ҳусусан, иқтисодиётда баҳт бўйича қилинган эмпирик тадқиқотлар сонининг ортиши янги йўналиш вужудга келишига сабаб бўлди. Баҳтиёрлик иқтисодиёти баҳтга таъсир қилувчи омиллар, ҳусусан, бу омиллар орасида иқтисодий омилларни ўрганувчи йўналишдир. Баҳтиёрлик иқтисодиёти бўйича илк қараш узоқ йиллар давомида мамлакатларнинг ривожланиши Ялпи Миллий (ички) маҳсулот қиймати билан ўлчанишига қарши фикр тариқасида Бутан қироли томонидан илгари сурилган. Натижада инсон фаровонлиги нафақат ЯИМ, балки ноиктисодий омилларга ҳам боғлиқ эканлиги ҳакидаги фаразлар пайдо бўлди. АҚШ, Европа ва жон бошига тўғри келадиган миллий даромади юқори бўлган мамлакатларда бу масалада илмий тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Ҳусусан, даромад ва унинг адолатли тақсимоти, иш билан бандлик ва иқтисодий ўсиши каби иқтисодий омиллар ҳамда баҳт/ҳаётдан қониқиши орасида боғлиқлик бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Easterlin [6] маълум мамлакатдаги аҳоли даромадларида ортиш барчанинг баҳт даражаси ортишига олиб келмаслигини таъкидлайди. Даромаднинг ортиши баҳт/ҳаётдан қониқишига ижобий таъсир қилишини исботлаган баъзи тадқиқотлар юқоридаги фикрга қарши чиқади [7, 8]). Иқтисодий ўсиш ва ҳаётдан қониқиши ўртасидағи боғлиқлик бўйича қилинган тадқиқот натижалари ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Easterlin [9] парадоксига кўра, АҚШдаги иқтисодий ўсиш ҳаётдан қониқишига сезиларли таъсир кўрсатмаган. Бу фикрни қўллаб-қувватловчи бошқа тадқиқотда узоқ вақт давомидаги иқтисодий ўсиш баҳтга ижобий таъсир қилмаслиги, бу эса иш вақтининг ортиши ва ижтимоий капитал пасайиши каби омиллар таъсирида вужудга келиши билан изоҳланади [10]. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ортишининг баҳтга таъсири жуда паст бўлса-да, камбағал мамлакатларда ЯИМнинг ўсиши баҳтга сезиларли ижобий таъсир кўрсатади [11].

Böckerman & Ilmakunnashnинг [12] Финляндия мисолида ишсизлик ва субъектив фаровонлик ҳақидаги мақоласида ишсизликнинг 3 фоиздан 17 фоизгача ўсиши субъектив фаровонликнинг ўртача даражасига сезиларли таъсир кўрсатмаганилиги қайд этилган. Бу Финляндиянинг ижтимоий сиёсати, ҳусусан, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш дастури натижаси сифатида таҳмин қилинади. АҚШ ва Европанинг 12 та мамлакатини қамраб олган тадқиқот натижалари ишсизлик даражасининг пастлиги ҳаётдан қониқишига ижо-



бий таъсир кўрсатишини илгари сурган [13]. Blanchflower [11] томонидан қилинган тадқиқотда ишсизлик ва инфляциянинг ўсиши баҳт даражасини пасайтириши кўрсатилган. Маълумоти ва ёши эътиборга олингандан, маълумот даражаси паст ва ёши катталар кўпроқ ишсизлик ҳақида қайғурса, ёш ва маълумот даражаси юқори бўлганларни инфляция ташвишга солади.

Lucas et al. [14] оилавий аҳвол ва баҳт орасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ қилиб, турмуш қуриш ва оиласи бўлиш баҳт даражасини орттиришини илгари сурган. Турмуш қуришнинг баҳт даражасига таъсири йиллик ўртacha 70 000 фунт стерлинг кўшимча даромадга эга бўлишга teng. Бева бўлиш эса йиллик ўртacha 170 000 фунт стерлинг ўқотиш қийматидаги баҳтсизликни олиб келади [15].

Диндорлик АҚШда баҳт/ҳаётдан қониқишига ижобий таъсир кўрсатган [16]. Европада эса дин ва баҳт орасида боғлиқлик мавжуд эмаслиги кузатилган [17]. Helliwell & Putnamning [18] “Дунё қадриятлар сўровномаси”га асосланган тадқиқоти диний эътиқоди юқори бўлганларнинг ҳаётдан қониқиши даражаси юкорироқ бўлишини кўрсатади. Диндорлик ва баҳт орасидаги ижобий боғлиқлик кишидаги шукур туйғуси билан боғланади.

АҚШ, Канада, Филиппин, Чили ва Европанинг 28 та мамлакатини қамраб олган тадқиқотда маданиятнинг ҳаётдан қониқишига ижобий таъсири кузатилган. Инглиз тилида сўзловчи мазкур мамлакатлар тадқиқотга жалб этилган бошқа тилда сўзловчи мамлакатларга нисбатан юкорироқ ҳаётдан қониқиши даражасига эга [19]. Урбанизация ва баҳт/ҳаётдан қониқиши орасидаги боғлиқлик бўйича бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Тадқиқот натижалари шаҳарда яшовчи аҳолининг ҳаётдан қониқиши даражаси қишлоқ аҳолисига нисбатан паст эканлигини кўрсатади [20].

Мамлакатни бошқариш тизими шу мамлакатда яшовчи аҳолининг баҳт/ҳаётдан қониқиши даражасига тўғридан-тўғри таъсир

кўрсатиши исботланган, яъни демократия ривожланган мамлакатлар аҳолиси баҳтлироқдир [21].

Ўзбекистон билан боғлиқ адабиётлар таҳлил қилинганда, ўзбек тилида баҳтиёрлик иқтисодиёти ва унинг ривожланиши, баҳтга таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилувчи илмий адабиётнинг камлиги кузатилади [22]. Мазкур илмий бўшлиқни тўлдириш мақсадида ушбу тадқиқотда Ўзбекистонда баҳтга таъсир этувчи ижтимоий-демографик омиллар ўрганилмоқда. Баҳт/ҳаётдан қониқиши ва унга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғлиқлик тартибланган логит модели асосида баҳоланади.

### Материал ва методлар

Ҳаётдан қониқиши ва баҳт билан боғлиқ тадқиқотларда “Дунё қадриятлар сўровномаси”, Евробарометр, Гэллап каби сўровномалардан фойдаланилади. Мазкур тадқиқотда Ўзбекистонда ҳаётдан қониқиши/баҳт ҳамда унга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш мақсадида “Дунё қадриятлар сўровномаси” маълумотларига мурожаат этилди.

“Дунё қадриятлар сўровномаси” миқдор характерли маълумотлар билан бир қаторда сифат характерли статистик маълумотлардан ташкил топган: оилавий аҳвол, таълим даражаси, меҳнат бозоридаги иштирок ва ҳоказо.

Мазкур тадқиқотда ҳаётдан қониқиши боғлиқ (эркисиз) ўзгарувчи сифатида олинди. Бу ўзгарувчи тартибланган қийматга эга бўлиб, 0 – умуман ҳаётдан қониқмаган ва 10 – ҳаётдан жуда қониқсанликни ифодалайди. Боғлиқ ўзгарувчининг тартибланганлик хусусияти инобатга олиниб, энг мақбул регрессия модели тартибланган логит модели бўлади [23].

### Тадқиқот натижалари

Мустақил (эркли) ўзгарувчи сифатида ёш, даромад, фарзандлар сони, соғлик, оилавий аҳвол, жинс, маълумоти, иш билан бандлик ҳолати каби категориялар олинди. Кузатувлар сони 1,329 га teng.

Ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси 1-жадвалда берилган.



Үзгарувчилар тасвирий статистикаси

Үзгарувчилар	Үртача	Стд.Чет	Минимум	Максимум
Хаётдан қониқиши	7,911964	1,881805	1	10
Ёш	39,36945	14,52738	18	85
Даромад	5,813394	1,804388	1	10
Фарзандлар сони	2,629044	1,898818	0	8
Соғлиқ	2,961625	0,8042821	1	4
Оилавий ахволига күра				
Бирга яшовчи	0,0112867	0,1056773	0	1
Оилали	0,7366441	0,4406196	0	1
Турмуш қурмаган	0,1309255	0,3374458	0	1
Ажрашган, бева	0,1211437	0,326417	0	1
Жинсига күра				
Эркак	0,3927765	0,4885517	0	1
Аёл	0,6072235	0,4885517	0	1
Маълумотига күра				
Бошланғич	0,0037622	0,0612446	0	1
Үрта/ўрта-маҳсус	0,8728367	0,3332812	0	1
Олий	0,1234011	0,3290208	0	1
Меҳнат бозоридаги иштирокига күра				
Ишсиз	0,1361926	0,3431221	0	1
Иш билан банд	0,4198646	0,4937223	0	1
Иқтисодий нофаол аҳоли	0,4439428	0,4970347	0	1

Мазкур үзгарувчилар сифат хусусиятига эга эканлиги боис фиктив үзгарувчилар яратилди. 1-жадвалдан кўринганидек, респондентларнинг үртача хаётдан қониқиши даражаси 7.91 га teng. Сўровномада иштирок этганларнинг ёши 18-85 ёш оралиғида бўлиб, үртача ёши эса 39 ёш. Даромад даражасига қаралса, ўнлик ўлчовда үртача даромад даражаси 5.81 га teng.

Иштирокчиларда фарзандлар сони энг кўпи саккизга teng, яъни үртача 2.6 фарзандга эга эканлиги кузатилди. Соғлиқ ҳолати тўртлик ўлчовда бўлиб, иштирокчиларнинг үртача соғлиқ ҳолати 2.96 га teng.

Оилавий ахволига кўра, энг кўп категория оилалилар бўлиб, умумий респондентларнинг 74 фоизини ташкил этади. Партнер билан бирга яшовчилар эса 1.1 фоизни ташкил этади.

Жинсига кўра, иштирокчиларнинг 61 фоизи аёллар, 39 фоизи эркаклардан ташкил топган.

Маълумотига кўра, бошланғич, ўрта/ўрта-маҳсус ва олий маълумотлилар мос равища 0.1, 87 ва 12 фоизни ташкил этади.

Меҳнат бозоридаги иштирокига кўра, иштирокчиларнинг 14 фоизи ишсиз, 42 фоизи иш билан банд эканлиги кузатилди. Сўровномада иштирок этган иқтисодий нофаол аҳоли эса 44 фоизга teng.

Дунё “Қадриятлар Сўровномаси” асосида худудлараро фарқларни қўриш ҳамда вилоят даражасида үртача баҳт қийматига баҳо бериш мақсадида вилоят ва худудлар бўйича баҳт даражаси тадқиқ қилинди (2-жадвал). Бунда “Умуман олганда, Сиз...? Жуда баҳтлимисиз, деярли баҳтлимисиз, унча баҳтли эмасмисиз, умуман баҳтли эмасмисиз” саволига берилган тўрт ўлчовли



жавоблар асос қилиб олинди. Бу ўлчов бўйича Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳридаги баҳтнинг ўртача даражаси ҳисобланди.

## 2-жадвал

### Баҳтлилик даражасининг вилоятларга кўра тақсимоти (фоизда)

Вилояти	жуда баҳтли	баҳтли	баҳтсиз	жуда баҳтсиз
Қорақалпоғистон Республикаси	40,00	50,00	10,00	0,00
Андижон вилояти	73,55	23,14	3,31	0,00
Бухоро вилояти	82,83	15,15	2,02	0,00
Жizzах вилояти	73,33	23,33	3,33	0,00
Қашқадарё вилояти	74,79	23,53	1,68	0,00
Навоий вилояти	76,92	23,08	0,00	0,00
Наманган вилояти	47,06	49,58	3,36	0,00
Самарқанд вилояти	75,80	20,38	3,18	0,64
Сурхондарё вилояти	79,38	20,62	0,00	0,00
Сирдарё вилояти	72,50	27,50	0,00	0,00
Тошкент вилояти	65,22	31,88	1,45	1,45
Фарғона вилояти	53,33	42,22	4,44	0,00
Хоразм вилояти	82,00	16,00	2,00	0,00
Тошкент шаҳри	35,51	57,25	7,25	0,00

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ўзини жуда баҳтли деб ҳисоблайдиган аҳолининг энг катта улуши Бухоро вилоятига тўғри келмоқда. Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари бу кетма-кетликни давом эттирган. Жуда баҳтсиз қатлам Тошкент ва Самарқанд вилоятларида кузатилади. Аҳолисининг 10 ва 7,25 фоизи баҳтсиз деб топилган худудлар мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тўртлик ўлчовда ўртача баҳт даражаси баҳоланди. 3-жадвалда вилоятлар бўйича баҳт даражаси юқоридан қўйига рейтинг сифатида берилган. Унга кўра, Бухоро вилояти рейтингда пешқадамлик қилмоқда. Тошкент шаҳри энг паст қўрсаткич билан рейтингнинг қўйи поғонасидан жой олган. Тадқиқот натижалари хорижий рейтинглар билан солиширилди. Жаҳон баҳт ҳисботига кўра, шаҳарлар рейтингида Тошкент шаҳрининг баҳт (субъектив фаровонлик) даражаси жуда паст эмаслиги кузатилди. Бу ҳисботда 186 та шаҳарда истиқомат қилувчиларнинг ҳозирги ва келажакдаги баҳт ҳолати ўрганилган. Шаҳарларнинг субъектив фаровонлик рейтингига кўра, Тошкент шаҳри 6,04 қўрсаткич билан 75-ўринни эгаллаган. Шунингдек,

тошкентликларнинг москваликларга нисбатан субъектив фаровонлиги юқори эканлиги аниқланган [24].

Натижалардаги фарқни тадқиқот манбаси орқали изоҳлаш мумкин. Жаҳон баҳт ҳисботи, одатда, Гэллап дунё сўровномасидан фойдаланади. Мазкур тадқиқотда “Дунё қадриятлар сўровномаси”дан фойдаланилган. Шунингдек, ўртача кўрсаткични ҳисоблашда эътиборга олинган саволларда ҳам фарқ кузатилади. Бу илмий адабиётлардаги баҳт билан боғлиқ атамаларнинг бир-бири ўрнида фойдаланиши ва аниқ таърифлар орқали ажратилмаганлиги натижасида келиб чиқади.

Натижаларни таққослашда эътиборга олиш лозим бўлган жиҳат сўровномаларнинг турли ўлчовларда амалга оширилганлигидир. Буни ҳал этиш учун натижалар ўнлик ўлчовга айлантирилди. Бунда тўртлик ўлчов интерваллари эътиборга олиниб, ўртача тортилган қиймат ўнлик ўлчовда ҳисобланди [25]. Ўнлик ўлчовдаги ўртача баҳт қўрсаткичлари қўйидаги расмда кўрсатилган. Ўлчовлар ўзгартирилганда, рейтингда кескин ўзгариш кузатилмаган. Фақат Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари рейтингда ўрин алмашганини кўриш мумкин.




### Вилоятларнинг баҳт даражасига кўра рейтинги

Рейтинг	Вилояти	Ўртача баҳт даражаси
1	Бухоро вилояти	3,81
2	Хоразм вилояти	3,80
3	Сурхондарё вилояти	3,79
4	Навоий вилояти	3,78
5	Қашқадарё вилояти	3,73
6	Сирдарё вилояти	3,73
7	Самарқанд вилояти	3,72
8	Андижон вилояти	3,70
9	Жиззах вилояти	3,70
10	Тошкент вилояти	3,61
11	Фарғона вилояти	3,49
12	Наманган вилояти	3,44
13	Қорақалпогистон	3,30
14	Тошкент шаҳри	3,28

Расмдаги вилоятлар бўйича ўртача баҳт даражасига қаралса, 8,69 қиймат билан Бухоро энг баҳтли вилоят, Тошкент шаҳри эса 7,01 қиймат билан энг баҳтсиз шаҳардир.

Йирик ва пойтахт шаҳарлардаги баҳт даражаси инфратузилма, гавжумлик, транспортда сарфланган вақт каби омилларнинг таъсири натижасида пасаяди.



### Тадқиқот натижалари таҳлили

Ҳаётдан қониқиши ва ижтимоий-иқтисодий омиллар орасидаги боғлиқлик тартибланган логит моделида баҳоланди (4-жадвал). Моделдан кўриниб турибдики, жинсият ва ҳаётдан қониқиши орасидаги боғлиқлик статистик аҳамиятга эга эмас. Ёш ва ҳаётдан қониқиши ўртасида негатив боғлиқлик мавжуд бўлиб, статистик жиҳатдан аҳамиятга

эга. Негатив боғлиқлик ёш ортгани сари ҳаётдан қониқиши даражаси пасайишини кўрсатади. Илмий адабиётларда ёш ва ҳаётдан қониқиши ўртасида U (қавариқ) шаклида боғлиқлик борлиги кузатилади [26]. Шу сабабли моделда ёшнинг квадрати ва ҳаётдан қониқиши орасидаги боғлиқлик ҳам баҳоланди. Ёш квадрати ва ҳаётдан қониқиши ўртасида ижобий боғлиқлик борлиги кузатилди.



Оилавий ахволи бўйича модель натижалари турмуш қуришнинг ҳаётдан қониқишига сезиларли ижобий таъсири борлигини кўрсатади. Аниқроғи, оилалиларнинг турмуш

қурмаган, бирга яшовчи ва ажрашган/бева респондентларга нисбатан ўртача ҳаётдан қониқиши даражаси юқори эканлиги кузатилди.

**4-жадвал**

**Регрессия натижалари<sup>1</sup>**

	A			B		
	Коэффициент	Коэффициент нисбати	z қиймати	Коэффициент	Коэффициент нисбати	z қиймати
Аёл	0,1314721	1,140506	1,28	0,01531804	1,015436	0,13
Ёш	-0,11048909***	0,895396	-4,93	-0,09631283***	0,9081799	-4,04
Ёш квадрати	0,00125757***	1,001258	5,29	0,00108845***	1,001089	4,25
Оилали	1,3486087**	3,852063	2,93	1,3358342**	3,803167	2,89
Турмуш қурмаган	1,0855244*	2,960992	2,25	1,1611352*	3,193557	2,39
Ажрашган	0,66708415	1,948547	1,38	0,68413255	1,982052	1,42
Фарзандлар сони	0,05544294	1,057009	1,38	0,04883059	1,050042	1,21
Ўрта/ўрта-максус	0,56512222	1,759663	0,56	0,57826853	1,782949	0,57
Олий	0,44055455	1,553569	0,44	0,45232532	1,571963	0,45
Даромад	0,27608111***	1,317955	9,33	0,27664013***	1,318692	9,31
Соғлиқ	0,6012127***	1,82433	8,54	0,61153392***	1,843257	8,62
Иш билан банд				0,19083396	1,210258	1,19
Иқтисодий нофаол ахоли				0,39320304*	1,481719	2,25
cut1_cons	-2,1598815			-1,6972474		
cut2_cons	-1,7007743			-1,2372463		
cut3_cons	-0,93099567			-0,46485978		
cut4_cons	-0,15013119			0,3194223		
cut5_cons	0,86832445			1,3391014		
cut6_cons	1,8304634			2,3041541		
cut7_cons	2,7060016*			3,1832707**		
cut8_cons	3,6210846**			4,0999873***		
cut9_cons	4,3569681***			4,8367661***		
Кузатувлар сони	1,329			1,329		
Pseudo R2	0,0527			0,0538		
Log likelihood	-2342,8303			-2340,1397		

Фарзандлар сони ўзгарувчиси бўйича таҳлил қилинганда, фарзандлар сони ва ҳаётдан қониқиши ўртасидаги боғлиқлик статистик аҳамиятга эга эмас. Маълумот даражаси бўйича таҳлил натижалари ҳам статистик аҳамиятга эга эмаслиги кузатилди.

Даромад даражаси ва ҳаётдан қониқиши ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд бўлиб, даромаднинг ошиши ҳаётдан қониқиши ортишига ижобий таъсири кўрсатади. Соғлиқ

ҳолати ҳам ҳаётдан қониқишига ижобий таъсири кўрсатиши аниқланди: соғлиқ ҳолатининг яхшиланиши баҳт даражасини ортиради. Ўз навбатида, баҳт даражаси ҳам соғлиққа ижобий таъсири кўрсатади, баҳтли инсонлар узоқ (соғлом) яшами кузатилган [27].

Бандлик тури бўйича ишсизлар реферанс гурух сифатида олинди. Иш билан бандларнинг ҳаётдан қониқиши даражаси статистик

\*\*\*, \*\*, \* мос равища 1%, 5% ва 10%лик статистик аҳамиятга эга.

Эркак, бирга яшовчи, бошлангич маълумотли, ишсиз реферанс ўзгарувчи.



жиҳатдан аҳамиятсиз натижа кўрсатди. Иқтисодий нофаол аҳолининг ишсизларга нисбатан ҳаётдан қониқиш даражаси юқори эканлиги кузатилди.

Тадқиқотда мустақил (эркли) ўзгарувчиларнинг боғлиқ (эрксиз) ўзгарувчини тушунтиришигга нисбати 0,0538 (Псевдо-R<sup>2</sup>) ни ташкил этди. Тадқиқот натижалари илмий адабиётдаги мавжуд натижаларни тасдиқлайди.

### Хулоса

Мазкур мақолада баҳт иқтисодиёти ва баҳтга таъсир қилувчи омиллар ҳақида маълумот берилди. Ўзбекистонда баҳт/ҳаётдан қониқишга таъсир қилувчи омиллар “Дунё қадриятлар сўровномаси” статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда, тартиблangan логит модели асосида баҳоланди. Моделда ҳаётдан қониқишга жинсият, ёш, ёш квадрати, оиласвий ахволи, фарзандлар сони,

соғлик, даромад, маълумот даражаси ва иш билан бандликнинг таъсири ўрганилди.

Модель натижаларига кўра, соғлик ва даромаднинг ҳаётдан қониқишга ижобий таъсири, ёшнинг ҳаётдан қониқишга негатив таъсири кузатилди. Оилали респондентларнинг ҳаётдан қониқиш даражаси энг юқори эканлиги аниқланди. Маълумот дараҷаси, фарзандлар сони ва жинсиятнинг ҳаётдан қониқиш билан боғлиқлиги статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эканлиги кузатилди.

Шунингдек, худудларга кўра, ўртача баҳт даражаси ўрганилиб, миллий баҳт рейтинги ишлаб чиқилди. Рейтингда Бухоро вилояти энг юқори поғонани эгаллаган бўлиб, бу буҳороликларнинг ўртача баҳт даражаси Ўзбекистон бўйича юқори эканлигини кўрсатади. Мазкур рейтингда Тошкент шаҳри энг паст кўрсаткич билан қўйи поғонани эгаллаган.

### REFERENCES

1. McMahon, D. M. The pursuit of happiness in history. *The Science of Subjective Well-Being*, 2008, pp. 80-93.
2. Sušić, K. Pojam sreće u filozofiji al-Fârâbîja: Klasični izvori i utjecaji na srednji vijek [PhD Thesis]. 2017, Available at: <http://darhiv.ffzg.unizg.hr/id/eprint/9514/>.
3. Holowchak M. A. Happiness and Greek ethical thought. A&C Black, 2004.
4. Bruni, L. Handbook on the Economics of Happiness. Edward Elgar Publishing, 2007.
5. Veenhoven R. The concept of happiness. In *Conditions of Happiness*, 1984, pp. 12-38, Springer.
6. Easterlin, R. A. Will raising the incomes of all increase the happiness of all? *Journal of Economic Behavior & Organization*, 1995, 27(1), pp. 35–47.
7. Di Tella, R., & MacCulloch, R. Gross national happiness as an answer to the Easterlin Paradox? *Journal of Development Economics*, 2008, 86(1), pp. 22–42.
8. Ferrer-i-Carbonell, A. Income and well-being: An empirical analysis of the comparison income effect. *Journal of Public Economics*, 2005, 89(5–6), pp. 997–1019.
9. Easterlin, R. A. Does economic growth improve the human lot? Some empirical evidence. In *Nations and households in economic growth*, 1974, pp. 89–125. Elsevier.
10. Rojas M. *The Economics of Happiness*. Springer, 2019.
11. Blanchflower, D. G. Is unemployment more costly than inflation? *National Bureau of Economic Research*, 2007.
12. Böckerman, P., & Ilmakunnas, P. Elusive effects of unemployment on happiness. *Social Indicators Research*, 2006, 79(1), pp. 159–169.
13. Di Tella, R., MacCulloch, R. J., & Oswald, A. J. Preferences over inflation and unemployment: Evidence from surveys of happiness. *American Economic Review*, 2001, 91(1), pp. 335–341.
14. Lucas, R. E., Clark, A. E., Georgellis, Y., & Diener, E. Reexamining adaptation and the set



point model of happiness: Reactions to changes in marital status. *Journal of Personality and Social Psychology*, 2003, 84 (3), 527 p.

15. Clark, A. E., & Oswald, A. J. A simple statistical method for measuring how life events affect happiness. *International Journal of Epidemiology*, 2002, 31(6), pp. 1139–1144.

16. Snoep L. Religiousness and happiness in three nations: A research note. *Journal of Happiness Studies*, 2008, 9 (2), pp. 207-211.

17. Lewis, C. A., Maltby, J., & Burkinshaw, S. Religion and happiness: Still no association. *Journal of Beliefs & Values*, 2000, 21 (2), pp. 233-236.

18. Helliwell J. F., & Putnam, R. D. The social context of well-being. *Philosophical Transactions of the Royal Society of London. Series B: Biological Sciences*, 2004, 359(1449), pp. 1435–1446.

19. Dorn, D., Fischer, J. A., Kirchgässner, G., & Sousa-Poza, A. Is it culture or democracy? The impact of democracy and culture on happiness. *Social Indicators Research*, 2007, 82(3), pp. 505–526.

20. Hudson J. Institutional trust and subjective well-being across the EU. *Kyklos*, 2006, 59(1), pp. 43–62.

21. Frey B. S., & Stutzer, A. Happiness Prospers in Democracy. *Journal of Happiness Studies*, 2000, 1(1).

22. Nurdinova Sh. O‘zbekistonda baxtga ta’sir qiluvchi omillar tahlili. *Ekonomicheskoye obozreniye*. [Analysis of the factors affecting happiness in Uzbekistan]. *Economic Review*, 2021, 255 (3), pp. 16-27.

23. DeMaris, A. A tutorial in logistic regression. *Journal of Marriage and the Family*, 1995, pp. 956–968.

24. De Neve, J.-E., & Krekel, C. Cities and happiness: A global ranking and analysis. *World Happiness Report 2020*, 14.

25. DeJonge, T., Veenhoven, R., & Kalmijn, W. Diversity in survey questions on the same topic. *Social Indicators Research Series*, 2017, 68.

26. Blanchflower, D. G. Is happiness U-shaped everywhere? Age and subjective well-being in 145 countries. *Journal of Population Economics*, 2020, pp.1–50.

27. Veenhoven R. Healthy happiness: Effects of happiness on physical health and the consequences for preventive health care. *Journal of Happiness Studies*, 2008, 9(3), pp. 449–469.

28. Inglehart R., C. Haerpfer, A. Moreno, C. Welzel, K. Kizilova, J. Diez-Medrano, M. Lagos, P. Norris, E. Ponarin & B. Puranen et al. (eds.). 2018. *World Values Survey: Round Six - Country-Pooled Datafile*. Madrid, Spain & Vienna, Austria: JD Systems Institute & WVSA Secretariat. doi.org/10.14281/18241.8/.